
КИЧИК ТАДБИРКОРЛАРГА МОЛИЯВИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИЛАДИ

«Тадбиркорлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент фармони (ПФ-150-сон, 09.06.2022 й.) қабул қилинган.

Фармонга кўра, 2021 йил 1 июлдан Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб қувватлаш давлат жамғармаси томонидан кичик тадбиркорлар лойҳаларига банкларнинг 5 млрд сўмдан, фоиз ставкаси Марказий банк асосий ставкасининг 1.05 бараваридан ошмаган кредит ва лизинглари бўйича унинг асосий ставкадан ошган, бироқ асосий ставканинг 30 фоизидан кўп бўлмаган қисмини қоплаш учун 3 йил муддатгача коменсация тақдим этилади.

Жамғарма томонидан тижорат банклари кредитларига кафиллик:

-кичик тадбиркорлик субъектлари лойҳаларига ажратиладиган кредитларнинг 50 фоизигача (50 фоизи ҳам қиради), бироқ умумий қиймати 2,5 миллиард сўмдан ошмаган миқдорда;

-2025 йилнинг 1 январигача олис ва бориш қийин бўлган, шунингдек, меҳнат ресурслари ортқча ҳудудлардаги кооперация асосида кичик бизнесни ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш учун маҳаллаларга бириктирилган етакчи кичик тадбиркорлик субъектларига, бундан ташқари, касаначиликни ривожлантириш бўйича лойҳаларга ажратиладиган кредитларнинг 75 фоизигача (75 фоизи ҳам қиради), бироқ умумий қиймати 2,5 миллиард сўмдан ошмаган миқдорда тақдим этилади.

Жамғарма томонидан кичик тадбиркорлик субъектларига компенсация ва кафиллик банкларнинг фақат миллиц валютадаги кредит лизинглари учун берилади.

Молиявий ёрдамлар битта тадбиркорнинг фақат битта лойҳасига тадбиқ этилади ҳамда тадбиркор шартнома амал қилган кредит бўйича қарздорлик тўлиқ қайтарилганда, молиявий ёрдам олиш учун Жамғармага тақдоран мурожаат қилишга ҳақли бўлади.

Ўзбекистон Республикаси

Бош прокуратураси ҳузуридаги

Мажбурий ижро бюроси

Данғара туман бўлими.

2022-08-22 16:03:14